



**"КЎП ТАРМОҚЛИ МАРКАЗИЙ ПОЛИКЛИНИКАЛАРДА
ТАШКИЛ ЭТИЛГАН АЁЛЛАР ХОНАСИНИНГ ТИББИЁТДАГИ
ЎРНИ"**

Болтаев Нодиржон Абдусаломович¹

*Навоий давлат университети, Тиббтиёт факультети клиник фанлар
кафедраси катта ўқитувчиси, PhD. ВССБ Бош патолог-анатоми.*

Узбекистан, Навоий. 210100

Ўсарбоева Нурхон Ертугановна²

*Навбахор туман тиббиёт бирлашмаси олий тоифали акушер-
гинекологи. Узбекистан, Навоий. 210100*

Аннотация: Уибу тезисда Навбаҳор туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникасининг аёллар хонасида 2023 ва 2024 йилларда олиб борилган тиббий кўриклар, профилактика ва репродуктив саломатлик соҳасидаги тадқиқотлар натижалари баҳоланган. Тадқиқотнинг мақсади аёллар учун тиббий хизматнинг сифати ва самарадорлигини ошириши, шунингдек, аёлларнинг репродуктив саломатлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларни таҳлил қилишидир. 2024 йилда кўрсатилган тиббий хизматлар, аёллар хоналарининг самараси, касалликларни аниқлаш ва даволаши жараёни кўрсатилган. 2023 ва 2024 йиллардаги маълумотлар солиштирилиб, аёллар саломатлигини яхшилаш учун янада самарали тадбирлар ишлаб чиқиши зарурлиги маълум бўлди.

Калит сўзлар: Кўп тармоқли поликлиника, аёллар хонаси, тиббий кўрик, репродуктив саломатлик, профилактика, гинекологик касалликлар, хомиладорлик, контрацепция.



Мақсад

Ушбу тадқиқотнинг мақсади 2023 ва 2024 йилларда Навбаҳор туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникасининг аёллар хоналарининг тиббий фаолиятини таҳлил қилиш, аёллар учун тиббий хизматни такомиллаштириш, касалликларни аниқлаш ва даволашдаги самарадорликни баҳолаш, шунингдек, аёллар репродуктив саломатлигини яхшилаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларни ўрганишдир.

Тадқиқот материаллари

Тадқиқот учун 2023 ва 2024 йиллардан олинган аёллар тиббий кўриклари, репродуктив саломатлик ва профилактика соҳасидаги маълумотлар тўпланди. Тадқиқотда аёллар маслаҳатхонасида хизмат кўрсатилган 3587 аёлнинг тиббий кўрикдан ўтгани, гинекологик касалликлар аниқлангани, хомиладорлик ҳолатлари ва контрацепция усуслари ҳақидаги маълумотлар асосида натижалар таҳлил қилинди.

Текширув усуслари

Тадқиқотда статистик таҳлиллар, тиббий кўрик натижаларининг таҳлили, аёллар репродуктив саломатлигини баҳолаш ва профилактик тадбирларнинг самарадорлигини ўрганиш учун социологик сўровлар ва амалиётдаги таҳлиллардан фойдаланилди. 2023 ва 2024 йилларда аёллар хонадаларининг фаолияти ва уларга бўлган талаблар таҳлил қилинди.

Мухокама

2023 ва 2024 йилларда Навбаҳор туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникасида аёллар хоналарининг ташкил этилиши аёллар учун тиббий хизматнинг сифатини оширишда, профилактика ва даволаш жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлган. 2024 йилда аёллар тиббий кўриклиридан ўtkазилган 3587 аёлдан 2025 нафарида гинекологик касалликлар аниқланди, шундан 48 аёлда мураккаб гинекологик касалликлар



топилди. Бу натижалар аёллар хонадаларининг тиббий хизматни такомиллаштиришдаги самарадорлигини кўрсатади.

Ҳомиладорлик билан ҳисобга олинган аёллар сони 361 нафарни ташкил этди, улардан 359 нафар аёл бирламчи скрининг текширувидан ўтгани маълум бўлди. Шу билан бирга, 5 нафар аёлнинг ҳомиладорлиги тўхтатилди, 4 нафар аёлда ҳомиладорлик ўз-ўзидан тушган. Бу тадқиқот натижалари аёллар саломатлигини муҳофаза қилиш ва янада самарали профилактик тадбирларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Натижа

Тадқиқот натижалари аёллар хонадаларининг ташкил этилиши, тиббий кўриклар ва профилактик тадбирлар аёллар саломатлигини муҳофаза қилишда муҳум аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. 2023 ва 2024 йилларда аёллар хоналарининг иш фаолияти ва репродуктив саломатликни таъминлашдаги тадбирлар натижасида аёллар тиббий кўрикларидан муваффакиятли ўтгани ва уларда касалликлар аниқлангани самарали даволаш ва профилактик тадбирларнинг аҳамиятини тасдиқлайди.

Хулоса

Навбаҳор туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникасининг аёллар хоналарининг ташкил этилиши тиббий хизматнинг сифатини ошириш, аёллар саломатлигини муҳофаза қилиш ва профилактика соҳасидаги самарадорликни оширишга ёрдам беради. 2024 йилда олинган натижалар 2023 йилга қараганда аёллар саломатлигини яхшилаш учун янада самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Тавсия

1. Аёллар хонадаларининг иш фаолиятини яхшилаш учун янги профилактик дастурлар ва тиббий кўрикларни жорий қилиш тавсия этилади.



2. Контрацепцияни самарали тарзда жорий қилиш ва аёллар ўртасида бу ҳақдаги маълумотларни ошириш зарур.
3. Ҳомиладорлик бўйича илғор скрининг тизимларини ўрнатиш, тахлиллар ва тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Навбахор туман тиббиёт бирлашмаси 2023 ва 2024 йил хисоботи;
2. Навбахор туман тиббиёт бирлашмаси 2023 ва 2024 йил статистик маълумотлари.